

2025 йил 14 -18 июль кунлари
ДТСЖ Тошкент вилояти бўлинмаси томонидан
амалга оширилган ишлар тўғрисида
МАЪЛУМОТ

1. Бўлинма ходимлари томонидан тасдиқланган тарғибот режасига мувофиқ Паркент ва Ўрта Чирчиқ туманларидаги даволаш-профилактика муассасалари ходимлари ва маҳалла фуқаролар йиғинлари фаоллари иштирокида Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПҚ-311-сонли қарори моҳияти, давлат тиббий суғуртаси механизмларини жорий этиш тўғрисида **тақдимотлар** ўтказилди.

2. 2024 йил 30 июлдаги 21-сонли (1-банд 2-топшириқ) баёни ҳамда Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2023 йил 13 октябрдаги 41-сонли буйруғи ижроси юзасидан Паркент ва Ўрта Чирчиқ туманларидаги даволаш-профилактика муассасаларида **мониторинг** ўтказилди.

3. ДТСЖси билан шартнома тузган вилоят муассасаларидан ССВнинг 17-сонли буйруғига асосан **даволанган ҳолат бўйича ҳисоботлар** олинди.

4. Тошкент вилояти **БТСЁМ** ларидан ССВнинг 17-сонли буйруғига асосан **ҳисоботлар** олинмоқда.

5. Тошкент вилояти тиббиёт муассасаларининг 2025 йилнинг июль ойи ҳисоботлари шифохонадан чиқарилган беморнинг **статистик картаси** (066-ҳ/ш) орқали солиштирма таҳлили олиб борилмоқда.

6. Давлат тиббий суғуртаси жамғармасининг 05.06.2025 йилдаги “Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 19 майдаги ПФ–88-сон Фармони ва ПҚ–185-сон қарори ижросини таъминлаш тўғрисида”ги 10-сонли баёни қарорининг 1-бандига мувофиқ тажриба-синов лойиҳа доирасида Янгийўл ШТБ да амалга оширилаётган ишлар бўйича **мониторинг ишлари** олиб борилмоқда.

7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 19 майдаги ПФ-88 сон Фармони ва ПҚ–185 сон қарори асосида тажриба синов лойиҳаси доирасида ДТСЖси билан шартнома тузган Янгийўл ШТБ даволаш профилактика муассасаларида амалий ёрдам кўрсатилиб, **кунлик ҳисобот** олинмоқда.

8. Тиббиёт ташкилотларини 2026-2028 йил учун бюджет сўровлари қабул қилиниб, ташкилот томонидан тасдиқланди.

9. Тошкент вилояти Давлат тиббий суғуртаси жамғармаси томонидан 2025 йил июнь ойида даволанган ҳолат бўйича молиялаштириладиган

тиббиёт муассасаларининг якуний 15 фоиз (1 920 486 000 сўм) маблағлари тўлаб берилди

10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 19 май 2025 йилдаги ПФ-88 -сонли Фармонида асосан Янгийўл шаҳар тиббиёт бирлашмасининг 1-ва 2-ОП ва марказий шифохонаси штат birlikларини норматив асосида кўриб чиқилиб талаб доирасида дастлабки ҳисоб-китоб ишлари олиб борилди.

11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 19 май 2025 йилдаги ПФ-88 -сонли Фармонида асосан Янгийўл шаҳар тиббиёт бирлашмасининг марказий шифохонаси, 1 ва 2-ОП ларни 2025 йил ярим йиллик иш ҳақларини тўлаб бериш учун сертификатлар тайёрланиб жамғармага тақдим қилинди.

12. Тошкент вилояти Давлат тиббий суғуртаси жамғармаси шартнома асосида молиялаштириладиган тиббиёт ташкилотларидан 2025 йил 2 чорак учун ҳисоботлари қабул қилиб олинди.

13. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 5 сентябрдаги “Давлат давлат тиббий суғуртаси механизмларини жорий этиш чора тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-311-сонли қарори ижросини таъминлаш бўйича Республика ихтисослаштирилган рухий саломатлик илмий амалий тиббиёт марказининг Тошкент вилояти филиали, Тошкент вилояти 1 ва 2–сон Рухий касалликлар шифохоналарида мониторинг ўтказилди.

14. Давлат тиббий суғуртаси жамғармаси ходими Ю.Ш.Мирхонов томонидан "Ўзбекистон 24" радиосига интервью берилди.

15. Шифохонада даволанган беморлар тўғрисидаги маълумотларнинг mis2.ssv.uz ахборот тизимида киритиш ҳолатларининг ҳафталик таҳлили ўтказилди.

**ДТСЖси Тошкент вилояти
бўлинмаси бошлиғи В.В.Б.**

**Ғ.А.Юсупов
04.07.2025 й.**